

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ-ХАЁТГА!

ПАРТИЯ ДУНЕНИ ИЛМИЙ МАТЕРИАЛИСТИК ТУШУНИШНИ КЕНГ ЕЙИШ, ДИНИЙ ХУРОФОТЛАРНИ БАҲАРАФ ЭТИШ УЧУН ДИНГА ИШОНУЧИЛАРНИНГ ҚИС-ТУЙҒУЛАРИ ТАҲҚИРЛАНИШИГА ЯЎЛ ҚУЙМАГАН ҲОЛДА ҒОЯВИЙ ТАЪСИР ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНАДИ. ПАРТИЯ ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИНГ КОНСТИТУЦИЯДА БЕЛГИЛАНГАН ГАРАНТИЯЛАРИГА ОҒИШМАЙ РИОЯ ҚИЛИНИШИНИ ЕҚЛАБ, ДИНДАН ЖАМИЯТ ВА ШАҲС МАНФААТЛАРИГА ЗАРАР ЕТКАЗАДИГАН ҲОЛДА ФОЙДАЛАНИШГА УРИНИШЛАРНИ ҚОРАЛАЙДИ. КИШИЛАРНИНГ МЕХНАТ ВА ИЖТИМОИЙ АКТИВЛИГИНИ ОШИРИШ, УЛАРНИ МАЪРИФАТЛИ ҚИЛИШ, ЯНГИ СОВЕТ МАРОСИМЛАРИНИ ВА ОДАТЛАРИНИ КЕНГ ЕЙИШ — АТЕИСТИК ТАРБИЯНИНГ ЭНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИДИР.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программасидан

ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш Киров райони партия комитетининг диққат марказида. Маълумки, атеистик тарбияда, диний сарфатларни, қолоқ урф-одатларни баҳараф этишда юксак сиёсий онглигини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун районда 72 нафар атеист-лектор, 168 нафар агитаторнинг активлигини, лекция ва суҳбатларнинг таъсирчанлигини ошириш йўллари белгиланди.

Совет турмуш тарзини таъминлаштириш бўйича координация кенгаши эскича урф-одатларни баҳараф этиш ва прогрессив анъаналарни ҳаётга табиқ этиш мақсадида район партия комитети бюросида тасдиқланган конкрет таъсирлар асосида иш олиб бормоқда. Натижада зарарли урф-одатлар ва маросимларнинг анчагина қисми баҳараф этилди. Районда маданий оқартув муассасаларининг аҳолини атеистик руҳда тарбиялашдаги фаолияти тобора активлаштирилди. Клублар, кутубхоналар ва дала шийпонларида «Атеист бурчаклари», кабинетлари ташкил этилди.

Район маданият уйида, Гагарин номи ва Куйбишев

номи мактабларида илмий-атеизм кабинетлари ташкил этилган. Яқинда уларнинг базасида атеист лекторларнинг област зонал семинар-кенгаши ўтказилди.

Мажмуи 2 та илмий-атеизм халқ университетининг иши қайтадан қўриб чиқилди. Бундан ташқари, 2 та атеистик агитаторига район меҳнаткашлари ўртасида тушунтириш ишларини олиб боряпти.

Шу билан бирга айрим бошланғич партия ташкилотларида динга қарши курашда изчиллик етишмапти. Диний маросимларда коммунистлар, комсомоллар ва раҳбар ходимларнинг иштирок этишини қўрсатувчи фактлар учрамоқда. Биз бундай фактларни аниқлаб, чоралар кўрмоқдамиз. «СССР 60 йиллиги» совхоз ишчиси Абдукарим Юсупов диний маросимларда иштирок этгани учун партия сифидан чиқарилди. Район партия комитети тавассили билан бошланғич партия ташкилотларида барча коммунистлар билан алоҳида суҳбатлар ўтказилди.

Ҳ. ТОҶИМАТОВ, Фарғона области.



Республика Илмий-атеизм уйи ҳар доим гавжум. Бу илмий масканда кишиларни илмий-материалистик, атеистик руҳда тарбиялашга бағишланган қизиқарли суҳбатлар, лекциялар ва бошқа ҳил тадбирлар мунтазам ўтказиб турилади.

Сурагда: илмий-атеизм уйининг ходимлари (чапдан ўнга) методист Л. Фулмова, лектор М. Нисёзова, катта методист Г. Цой, лектор Ш. Сатторов, катта методист М. Нуринов навбатдаги машғулотта тайёргарлик қилишмоқда. В. Молгачев фотоси.

АТЕИСТИК ТАРБИЯ САМАРАДОР БЎЛСИН!

Одамларда марксча-ленинча дунёқараши, илмий-атеистик тарбияни ривожлантириш коммунистлик тарбия жабҳасининг ажралмас, таркибий қисмидир. Бу жиҳатлар КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумларида алоҳида таъкидланди.

Партия қарорлари Самарқанд область партия комитетининг меҳнаткашларига ғоявий-сиёсий тарбиялаш соҳасидаги ишлари, обком ҳузурида тузилган совет турмуш тарзини таъминлаштириш кенгашининг фаолиятига ҳам мустаҳкам асос қилиб олинган.

Лекция ҳаётининг қайси соҳасида бўлсин, қилинган ишлардан зарарча бўлса-да хотиржамлик қайфияти берилиш нухсу ҳолларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолат област партия комитети фаолиятида ҳам юз бериб, унда тегишли ҳуқуқсизликлар, Гап шунданки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси шу йил 13 июнь куни бўлиб ўтган мажлисида Самарқанд район партия комитетининг КПСС XXVII съезди талаблари асосида халқ депутатлари маҳаллий Советларининг хўжалик ва маданий қурилишдаги роли ҳамда маъсулиятини оширишдаги фаолиятини муҳофаза қилиш, йилнинг камчиликлари, ғоявий-тарбиявий ишда ва меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялашда йўл қўйган ҳатолари учун Марказий Комитет Бюроси М. Шеркуловни район партия комитетининг биринчи секретари лавозимидан озод қилди.

Бу ҳаётий масаланинг қўриб чиқиши област партия ташкилотлари учун жиддий сабоқ бўлди. Ғоявий-тарбиявий ишда ва меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялашда камчиликларга йўл қўйган, маъсулиятсиз, иккиланувчи, ғоявий савияси етук бўлмаган раҳбарларга партиявий жазо берилди, лавозимидан бўшатилди. Атеистик тарбияда йўл қўйилган камчиликларни тугатишда, бу борадаги ишларни кескин яхшилашда КПСС XXVII съезди талаблари асосида идеология ишнинг самардорлигини янада ошириш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифаларини муҳофаза этган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленумининг бутун руҳи, пленум қарорлари янги муҳим босқич бўлди.

Ҳозирги вақтда Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳар пар-

тия комитетлари фаолиятида бирмунча ўзгаришлар юз берди. Улар мажмуи агитпунктлар базасида ижтимоий-сиёсий ахборот марказлари ташкил этилди. Бу жиҳатларда одамлар замонавий расм-русумларни ҳаётга кенг табиқ этиш юзасида амалий кўникама ҳосил қилмоқдалар, атеистик мавзуларда суҳбатлар тинглайдилар, учрашувлар, кечаларда иштирок этишадилар.

Йиллар давомида муқаддас зиёратгоҳ ҳисобланган «қадимжон»лар тарихи област партия комитети, республика фанлар академиясининг Археология институти олимлари ташаббуси билан қайтадан ўрганилмоқда. Темирўл районидagi «Мурод авлиё», Сибей районидagi «Дониёрбек», «Би-

Область газеталари, радиоси коллективи ҳам бу иш билан жиддий шуғуллана бошладилар. Ҳозир «Ленинсий йўли» газетаси Самарқанд шаҳар партия комитети билан ҳамкорликда социологик тадқиқотлар олиб борапти, аҳолининг динга муносабати атрофлича ўрганилмоқда. «Ленин йўли» газетаси доимий рубрика остида атеистик суҳбатлар уюштироқда, диндорлар, товламачилар, текин пул топиш учун қўрғонни қўрол қилиб олган саёқ муллаларни аёвсиз қош этмоқда. Радиосиётиришларда ҳам бу мавзу тобора кенг ўрин тутаётди.

Шундан бўлса-да, газеталар, радиосиётиришларда янги анъаналарни, замонавий расм-русумларни кенг

қилмоқда. Масалан, Ургут районидagi Жданов номи колхозда истиқомат қилувчи 42 ёшли Умрзоқ Муродов оғир касалга чалиниб қолди. У фақат мулло-фолби-ларга мурожаат қилиб, уларнинг айтганларини бажарди, ҳолос. Асосида текин пул топиш маъмуни бўлган уйдирма гаплар, қўрсатмалар унга наф бермади. У ҳурфот қўрбони бўлди. Таассуфки, ҳали одамлар бундай мисоллардан тўғри хулоса чиқариб олмаптилар. Айни пайтда, шу жойдаги медицина ходимлари, кишлоқ активлари, коммунистлар ҳам бепарволик қилишган.

Ҳозир областда текин пул топиш пайига тушганларга қарши қаттиқ кураш кетмоқда. Советлар, ҳуқуқ-тартибот органлари бу ҳусууда кенг қўламдаги ишларни амалга ошироқдалар. Бу, албатта, дарбадар муллалар, диний ниқоб қилиб, бойлик орттириш мақсадида яшаётган кимсалар хатти-ҳаракатига чек қўйди. Лекин, биз бу билан қифояланиб қолмаслигимиз шарт. Халқ университетлари, турмуш маданияти кенгашилари талаб даражасида ишламаётди. Хотин-қизлар орасида иш олиб борувчи кенгашлар, комсомоллар ташаббускорлик кўрсатмаптилар.

Област партия комитети ана шундай камчиликларга барҳам бериш тадбирларини белгилаб олди. Аҳолининг динга ишонувчилар қатлами хусусиятини эътиборга олган ҳолда идеология активининг вазифаларини янада аниқлаштирди.

«Партия ташкилотлари атеистик ишга ёндашуви тубдан ўзгариши шарт», дейилади Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми қарориди. Бу ишнинг жанговарлиги ва ҳужумкорлиги учун коммунистларнинг, комсомолларнинг, раҳбар ходимларнинг маъсулиятини оширилсин, оммага, айниқса, бошларга диний таъсирнинг кучайишига, коммунистларнинг диний маросимлар ва байрамларда қатнашишига нисбатан мurosасозлик ва беғамлиликнинг ҳар қандай кўринишларига принципиал баҳо берилинсин. Аҳолининг бир қисмида миллий анъаналар, деб талқин этилувчи диний маросимларга рияоз этилишига нисбатан вужудга келган мurosасозлик майлларига сабот билан баҳараф қилинсин». Бу қарарта амалий фаолиятимиз асоси бўлади, албатта.

Ф. ШУКУРОВА, Самарқанд область партия комитетининг секретари.

АТЕИСТ КУТУБХОНАСИГА

«СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА АТЕИЗМ»

Дорилмон замонада яшаймиш. Фаровон турмуш ҳар соҳада, ҳар қадмада қўзғат ташланади. Фаровонлик ўз навбатида, халқимиз маданий савиясининг ўсишига ҳам самарали таъсир кўрсатмоқда. Бироқ айрим кишилар онгиди ҳанузгача давом этиб келётган баъзи эски расм-русумлар маданий ривожланишга маълум даражада тўсиқ бўлиб келмоқда, ёшларнинг онгиди зарарли таассурот қолдирмоқда.

Ўзбекистон ССР «Фан» нашриётида чоп этилган Ж. Яхшиловнинг ёзган бу рисолада фан-техника революцияси шароитида илмий дунёқараши билан диний эътиқод ўртасидаги қарама-қаршилик, моддий ишлаб чиқаришнинг социал оқибатлари ва унинг атеистик аҳамияти, кишлоқ меҳнаткашларида илмий-атеистик дунёқараши шакллантиришнинг янги тенденциялари ҳақида сўз юртилади.

«ИСЛОМНИНГ ҚАЛБАКИ ДУСТЛАРИ»

Рисолада Урта ва Яқин Шарқ мамлакатлари муслмон халқларининг миллий-озодлик ҳаракатларида ислом фактори, турли тарихий вазиятларда исломнинг прогрессив ёки реакцион роль ўйнаётгани, миллий-озодлик ҳаракатларида қарши Америка империализмининг «муслмонлар билан дўстлик», «Исламни ҳимоя қилиш» каби қалбаки пиорлар ниқоби остида мустамлакачилик сиёсатини ўтказишга уринаётгани ҳақида фикр юритилган. Д. Валиева ёзган бу китобни ҳам «Фан» нашриёти босмадан чиқарган.

«ТАБОБАТ, ХУРОФОТ ВА ҲАҚИҚИЙ НАМОЗ»

А. Эргашевнинг Ўзбекистон ССР «Медицина» нашриётида босиб чиқарилган рисолада халқ медицинаси тарихи, Ўзбекистонда революциядан олдинги табибий ёрдам ва аҳолига қўрсатилаётган медицина ёрдамининг ҳозирги кундаги ҳоли «муқаддас жой»ларга сикиниш ҳамда сохта табиблару азиятчиликларга ва домла-эпидемияларнинг айрим кишилар соғлиғига ва жамиятга келтираётган зарари ҳақида ҳаётий мисоллар билан ёритилган.

• ЙЎҚОЛСИН ХУРОФОТ!

Денов районидagi «Ғалаба» колхози территориясида «муқаддас» деб ҳисоблаб келинган жой бор. Маҳаллий аҳоли уни Кўппак ота деб атайдилар. Кўппак отага сикинган ва унга бор-йўғини садақа қилган беморлар «ларидан фориғ» бўлармиш... Бу ердаги макор шахслар беморни олиб келган қариндош уруғларидан тирик мол ва мўмай пул ундиргач, Кўппак ота арвоғига бағишлаб узундан-узун оят ўқийди... Қисқаси, айрим доғули айёрлар ўта фирибгарлик усулларини ишлатиб, нодон кишиларни лақиллатиб бойлик тўплайдилар.

таваллис, яъни омбор мудир дейсизми, кассир дейсизми фарқи йўқ. Отиш Давлатой, фамилиям Жалилова. Биз, Кўппак отанинг шайхлари 10 хонадан, 40 кишидан иборат бўлиб, шу азиз қадимий атрофда яшаймиш. Ризқи рўзимизга нима тўгуса, шу хисобдан кун кечирамиз. Назир-ниёзлар ҳисобига яшаш ота-боболаримиздан қолган мерос.

— Узингиз бирон жойда ишлайсизми? — Йўқ, Назир-ниёз етарли. Ҳўжайиним Турдалибой Жалилов район марказида телемастер бўлиб ишлайди-ку, шу етди-да, — де-

сохта эшонлар иш қўриб олишган. Улар сикинишга келган бемор ва лақмаларни авраб, бор биситини шилиб олади.

Яна бир мисол, Шеробод районидagi «Коммунизм» совхозида — Қўхтанг тоғи етатидаги Вандоб кишлоғига қирасидаги теланилар орасида Чилонзор деб аталмиш уч гектардан ортиқ ернинг эгаллаб ётган шифобахш манзилгоҳ бор. Бу ерда чилон жийдалар ўсиб ётибди. Шу ердан бир ариқ бўлиб сувни ҳам олиб ўтади. Бойот мерган Қодиров деган кимса бу оромгоҳга қўша-қўша уй-жой, молхоналар қўриб олиб, қўриб келган. Ҳа, оиламдан қўзғач кимини бу ерда ишлашга йўлатмаган. Молхоналарни қўлайтирган, катта боғ барпо этган. Бу ҳам етмагандек, улкан чилон жийда олдида бир хужра қўриб, унинг ичиди сохта мазор барпо этган. Мозор пештоқига фанердан ясалган беш панжанинг шаклини ва ўзи тоғдан қонусиз отиб олган тоқасининг каттагон шохини олиб қўйган. Бу жойини «Чилон ота», ўзини эса шу «муқаддас» қадимийнинг шайхи деб эълон қилган. Бу ерга сикинишга келган лақма одамларни алдаб текин даромд тўплаган. Шеробод район партия, совет ташкилотлари раҳбарлари, маъмурий органлари ходимлари бу текинхўрга кенг имконият бериб қўйганликлари таажжубланарли бир ҳолидир. Ахир, шундай оромбахш масканда пионер лагерини қилиб олиш зонаси ташкил этилса, нур устига аёло нур бўларди-ку!

Олтинсой ва Шўрчи районлари тутаган тоғ етатидаги гордан олтингургилли сув отилиб чиқади. Бу сув терини насалликларига даво эканлигини маҳаллий аҳоли киши билди. Айрим ишқимас, доғули шахслар эса бу «ерни «Хўжан боғ ота» деб атаб, сикинувчи беморлардан катта микдорда назир-ниёз, пул, тирик мол олиптилар. Касаллар ўзлари билан олиб келган қўй-қўчқарларни сўйдилар, қонини шу сувга оқизганлар ва хаста кишиларни шу сувга қўйибтирганлар.

Ҳўш, бу ерда терини касалликларини даволаётган шифонона курси бўлмайми? Бўлади. Бироқ бу ҳақда ҳеч ким бош қотиришни истамапти.

Шунингдек, Денов районидagi айрим нодон ва лақмаларнинг «Анхир отага», сарисоғилиларнинг «Чинор-бобо»га сикинишларини қандай баҳолаш мумкин? Қани атеистлар, қани пропагандист ва агитаторлар ишининг самараси?

Бойсун тоғлари орасида Омонхона деган катта гор бор. Бу ердан чиқаётган сув ингар ва асаб хасталикларига бир қадар даво эканлигини маҳаллий аҳоли қадимдан билди. Афсуски, шу сувни қаллоб ва баттол руҳонийлар «муқаддас» деб атаб, қўйилган келганларни лақиллатиб, меҳнатсиз даромд тўплайтилар. Омонхонада ин қўриб олган руҳонийлар ва чаламулла-лар қочонгача фирибгарлик ва текинхўрлик қиларкин? Бойсун райкомидagi раҳбар ўроқлар бунга нима дейишар экан?

Диний «наромат» билан илмий баъорат ўртасида ер билан осмонча фарқ борлиги тушунишни истамаётган айрим нодонларга ҳайрон қолсан, киши. Ҳозирги вақтда бундай қолоқ фикрларга қарши кураш атеистлар, партия, комсомол ташкилотлари ва барча коммунистларнинг долзарб ишига айлалмоғи зарур.

Сурхондарё областидagi жуда кўп «қадимжон»лар сув ҳавзалари, шифобахш булоқлар, дарахтлар, ўрмонлар, горлар, теланилардан иборат. Булар сикиниш манбаларининг 60 процентдан кўпрогини, қолганини эса мазорлар, мақбаралар, маъзолейлар, архитектура ансамблилари ташкил этади. Бундай жойларга асосан текинхўр шайхлар, чаламуллалар ва

ЖОНКУЯР

Коммунист Абди Сайфиев 40 йилдан бери ёш авлод намолини йўлда ҳормай-толмай меҳнат қилиб келади. Ҳуқуқларга математика фанидан чуқур билим бериб, коммунистик тарбиянинг турли формаларида моҳирона фойдаланиб келмоқда. А. Сайфиев дарсдан бўш пайтларида эса совет меҳнаткашлари — турли кәсб эгалари билан учришади. Лекция ва суҳбатлар ўтказиши.

Нишон районидagi Калинин номи 6-ўрта мактаб директори, моҳир сўз устаси шу долзарб кунларда пахтакорлар ҳузурида бўлиб, атеистик мавзуларда суҳбатлар ўтказмоқда. Яқинда Карл Маркс номи совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳкам Ҳазратқулова, Неймат Холмонов, Рўшно Бозоров, Ҳусан Холёров бошлик бригадаларининг пахтакорлари ҳузурида «Қонун ва дин», «Одам қўлига боқиб эмас, меҳнат қилиб яшайди», «Билим фани, меҳнат дини яратди», «Социалистик турмуш тарзи ва атеистик тарбия» мавзуларида қизиқарли суҳбатлар ўтказди. Абди Сайфиев ўзининг дилкаш ва сермаълум суҳбатлари билан кўпчилиكنинг ҳурматиға сазовор бўлмоқда.

Х. НАЗАРОВ.

ПЛАКАТЛАР ТИЛИ БИЛАН

«Ўзбекистон» нашриёти илмий-атеистик темага бағишланган плакатлар чиқаришга алоҳида эътибор бермоқда. Уларда диннинг реакцион роли, «муқаддас» жойларнинг ҳуқуқот масани эканлиги, янги урф-одатларнинг ҳаётиймиздан кенг ўрин олаётганлиги ёрқин акс эттирилмоқда. Суратда: «Дин ва ҳозирги замон» мавзусида чиқарилган плакатлардан намуналар.

В. Молгачев фоторепродукцияси.



...ДИНЛА

А. ХАЛИЛОВ, «Совет Ўзбекистони» муҳбири.

